

2024 йил 29 июндаги  
РС-27-24-сонли Раёсат қарори  
билан тасдиқланган

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2024 йил иккинчи ярмига мўлжалланган  
ИШ РЕЖАСИ**

<b>№</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
<i><b>1. Умумий масалалар</b></i>			
<b>1.1</b>	Республика судларининг ҳамда Олий суднинг 2024 йил биринчи ярмидаги иш фаолиятини таҳлил қилиб, натижаларини Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиш.	июль	Раис ўринбосарлари, Аппарат раҳбари, Ташкилий-назорат бошқармаси
<b>1.2</b>	Аҳолига суд ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тўғри етказиш, суд амалиётини бирхиллаштириш ва суд қарорлари сифатини яхшилаш мақсадида “Суд ҳужжатлари намуналари” китобини тайёрлаш ва чоп этиш.	июль- сентябрь	Раис ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари, ОССҚТҚ департаменти
<b>1.3</b>	“Адолат” ахборот тизими комплексида ҳар бир суд йўналишидан келиб чиқиб, суд ҳужжатларини туркумларга ажратилган тартибда шакллантириш имкониятини яратиш ва амалиётга жорий этиш.	сентябрь	И.Муслимов, Аппарат раҳбари, АКТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси
<b>1.4</b>	2025 йилга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш учун суд тизимидаги объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиш.	сентябрь	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти

1.5	Айрим тоифадаги иқтисодий ишларни кўриш ваколатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	октябрь	Ш.Полванов, ОССҚТҚ департаменти, ИИБ судлов ҳайъати, МИБ судлов ҳайъати
1.6	Маъмурий суд ишларини юритишда процессуал мажбурлов чоралари доирасини, хусусан, суд мажлисида иштирок этувчи шахсларнинг ( <i>жавобгар мансабдор шахсларнинг</i> ) қоида тариқасида, шахсан иштирокини таъминлаш чораларини белгилашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	ноябрь	Ш.Полванов, МИБ судлов ҳайъати, ОССҚТҚ департаменти
1.7	Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, тармоқ пакетларини саралаш мақсадида махсус дастурий қурилма “Firewell” тизимини замон талабларига мос равишда янгилаш чораларини кўриш.	октябрь	И.Муслимов, Аппарат раҳбари, АКТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси
1.8	Марказлашган иссиқлик таъминотида уланган биноларга босқичма-босқич иситиш қозонларини ўрнатиш бўйича график-режасини ишлаб чиқиш ва тегишли тартибда тасдиқлаш.	ноябрь	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти
1.9	Судларда мурожаатлар билан ишлаш устидан мониторинг ўрнатган ҳолда ҳар чорак якуни бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаш ҳамда судья ва суд аппарати ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан келиб тушган мурожаатларни умумлаштириб, Олий суд раисига ахборот тақдим этиш.	ҳар чорак якуни бўйича	Аппарат раҳбари, Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси
1.10	Судлар томонидан одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятни таҳлил қилган ҳолда ахборот тайёрлаш ва тегишли тартибда Олий суд раиси ва раис ўринбосарларига тақдим этиш.	ҳар чорак якуни бўйича	Аппарат раҳбари, Ташкилий-назорат бошқармаси

1.11	Судлар, қонунчиликни қўллаётган давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар учун фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўпламини тайёрлаш.	декабрь	Ш.Полванов, Пленум котиби, ОССҚТҚ департаменти, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
1.12	“Оила судьялари” тажрибаси натижаларини таҳлил қилиш ҳамда натижалардан келиб чиққан ҳолда 2025-2030 йилларда босқичма-босқич барча фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига татбиқ этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2023 йилдаги ПҚ-401-сон қарори)	декабрь	И.Муслимов, ФИБ судлов хайъати, ОССҚТҚ департаменти, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.13	Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда 2024 йил давомида кадрлар захирасини шакллантириш ва номзодларни ишга қабул қилиш бўйича амалга оширилган ишларни умумлаштириш ҳамда Олий суд раҳбариятига ахборот киритиш.	декабрь	Аппарат раҳбари, Кадрлар бошқармаси
1.14	Суд объектларида амалга оширилаётган қурилиш ишлари натижалари ва ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ҳамда мақсадли ўзлаштирилишини объектларга чиқиб ўрганиш, натижаси бўйича Олий суд раисига ахборот киритиш.	ҳар чорак яқуни бўйича	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти
1.15	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, судлов хайъатлари ҳамда туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари иштирокида видеоконференцалоқа режимида ўқув семинарлари ўтказиш.	алоҳида режа асосида	Раис ўринбосарлари, Судлов хайъатлари

## 2. Халқаро-ҳуқуқий муносабатларга оид масалалар

<b>2.1</b>	Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича имзоланган кўп ва икки томонлама шартномалар доирасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ишларни олиб бориш.	июль-декабрь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
<b>2.2</b>	АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) лойиҳаси билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ соҳасидаги долзарб масалаларга бағишланган тадбирлар ўтказиш.	июль-декабрь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
<b>2.3</b>	Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг “Марказий Осиё мамлакатларида ҳуқуқий давлатчилик йўлида ҳамкорлик” қўшма дастури доирасида маъмурий судлар судьялари учун маъмурий суд ишларини юритиш соҳасидаги долзарб масалаларга бағишланган тадбирларни ташкил этиш.	июль-декабрь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
<b>2.4</b>	2024 йил сентябрь ойида Хитойда бўлиб ўтиши режалаштирилган “Хитой – Марказий Осиё давлатлари Олий судлари раисларининг йиғилиши”да Ўзбекистон Республикаси Олий суди делегациясининг иштирокини таъминлаш.	июль-сентябрь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
<b>2.5</b>	2024 йил ноябрь-декабрь ойларида Қатар давлати суд тизими фаолияти билан танишиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди делегациясининг хорижий хизмат сафарини амалга ошириш.	ноябрь-декабрь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим

<b>3. Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиладиган масалалар</b>			
<b>3.1</b>	2024 йил биринчи ярмида судлов ҳайъатларида ишларни тафтиш инстанциясида кўрилиши бўйича суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва Раёсат муҳокамасига киритиш.	ҳар чорак якуни бўйича	Раис ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
<b>3.2</b>	Судлар томонидан 2023 йил ва 2024 йилнинг биринчи ярмида никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ кўрилган ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	август	И.Муслимов, ФИБ судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
<b>3.3</b>	Электрон ҳужжатлар айланиш тизими ( <i>Олий суд томонидан ишлаб чиқилган ахборот алмашинуви тизими</i> )ни судлар фаолиятига жорий этиш мақсадида ундан фойдаланиш қоидаларини акс эттирган йўриқнома лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Раёсат муҳокамасига киритиш.	август	Аппарат раҳбари, Ишлар бошқармаси, АКТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси, Ташкилий-назорат бошқармаси
<b>3.4</b>	Маъмурий судларда 2023 йил ва 2024 йил биринчи ярмида битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлганда солиқ органининг солиқ базасига тузатиш киритиш билан боғлиқ қарорлари юзасидан ( <i>СК 248-моддаси 4-қисми</i> ) кўрилган ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	сентябрь	Ш.Полванов, МИБ судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
<b>3.5</b>	Иқтисодий судлар томонидан 2021-2023-йиллар ҳамда 2024 йил биринчи ярмида тўловга қобилиятсизлик тўғрисида кўрилган ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	сентябрь	Ш.Полванов, ИИБ судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими

3.6	Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2023 йил ва 2024 йил биринчи ярмида фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони вафот этган деб эълон қилиш билан боғлиқ кўрилган ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	октябрь	И.Муслимов, ФИБ судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
3.7	Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2023 йил ҳамда 2024 йил биринчи ярмида касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (ЖК 75-модда) билан боғлиқ материалларни кўриш амалиётини умумлаштириш ва натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	ноябрь	И.Муслимов, ЖИБ судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
3.8	Маъмурий судларда 2022-2023 йиллар ва 2024 йил биринчи ярмида божхона қонунчилигини қўллаш билан боғлиқ кўрилган низоларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	ноябрь	Ш.Полванов, МИБ судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
3.9	Тошкент шаҳар ҳамда Сурхондарё вилоятлари судларининг 2023 йил ва 2024 йил ўтган давридаги одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	сентябрь- ноябрь	Раис ўринбосарлари, Ишчи гуруҳи аъзолари
<b>4. Олий суд Пленуми муҳокамасига киритиладиган масалалар</b>			
4.1	Суд харажатларини ундириш бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида шу масаладаги Пленум қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш.	июль- октябрь	Ш.Полванов, ФИБ, ИИБ, МИБ судлов ҳайъатлари, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими

4.2	“Ер билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш.	июль-октябрь	И.Муслимов, ЖИБ судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
4.3	“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Олий суд Пленуми қарорларини инвентаризациядан ўтказиб, натижаси бўйича Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш.	июль-декабрь	Раис ўринбосарлари, Судлов ҳайъатлари, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
4.4	Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонунчиликни судлар томонидан қўлланиши ҳақида”ги 5-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш.	октябрь-декабрь	Ш.Полванов, ФИБ, МИБ судлов ҳайъатлари, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими